

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КОДИРОВА ДИЛДОРА АЛЛАЁРОВА

**ҲОМИЛА САҚЛАЙ ОЛМАЙДИГАН АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМ,
ГИПЕРГОМОЦИСТЕИНЕМИЯ БОР АЁЛЛАРДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИНИНГ
ҲОЛАТИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Кодирова Дилдора Аллаёровна

Ҳомила сақлай олмайдиган антифосфолипид синдром,
гипергомоцистеинемия бор аёлларда гемостаз тизимининг ҳолати 3

Кодирова Дилдора Аллаёровна

Состояние системы гемостаза у женщин с антифосфолипидным
синдромом и гипергомоцистеинемией при невынашивании беременности
..... 21

Kodirova Dildora Allayorovna

The state of the hemostasis system in women with antiphospholipid syndrome
and hyperhomocysteinemia during miscarriage 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КОДИРОВА ДИЛДОРА АЛЛАЁРОВА

**ҲОМИЛА САҚЛАЙ ОЛМАЙДИГАН АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМ,
ГИПЕРГОМОЦИСТЕИНЕМИЯ БОР АЁЛЛАРДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИНИНГ
ҲОЛАТИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2557 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Бабаджанова Шоира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дудина Галина Анатольевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 2100147, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел.: +998-78 150-7825; Веб-саҳифа (www.tma.uz); e-mail: (info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 2100147, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел.: +998-78 150-7825.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, просессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Д.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳомила сақлай олмаслик репродуктив саломатликнинг муҳим муаммоси бўлиб, 2-5% жуфтликларда учрайди. Бу муаммо нафақат гинекология, репродуктология, иммунология, эндокринология балки гематологик амалиётда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «...анамнезида ҳомиладорликнинг 22 ҳафтасигача уч ёки ундан ортиқ ўз-ўзидан ҳомила тушиши мавжудлиги бу ҳомила сақлай олмаслик ҳисобланади...»¹ ва бундай ҳолларда эндотелий шикастланиши оқибатида гемостаз тизимининг фаоллаши бошланади. Гемостаз жараёнида иштирок этиб, маҳаллий қон оқимини тартибга солувчи биологик фаол бирикмалар ишлаб чиқарадиган эндотелийнинг шикастланишига олиб келувчи омилларга алоҳида эътибор берилиб сунги йилларда ҳар томонлама ўрганилиб келмоқда. Эндотелий фаолиятининг ўзгариши қоннинг коагуляцион ва антикоагуляцион тизимлари ўртасидаги мувозанат бузилиши бошланишига сабаб бўлиб, кейинчалик патологик гиперкоагуляция синдромининг ривожланишига олиб келади. Қатор муаллифларнинг тадқиқотларига кўра, ҳомила сақлай олмасликнинг 3-6% генетик омиллар, 8,8% ота-оналар кариотипининг аномалиялари билан боғлиқ. Жуфтликларнинг бирида хромосомаларнинг мувозанатсиз аномалиялари аниқланса, боланинг туғма ногирон туғилиш эҳтимоли 1-15%ни ташкил этади.

Жаҳонда ҳомила сақлай олмаслик ҳолатларини эрта ташхислашда самарали янги усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замонавий тиббиёт ҳомиладан эрта айрилишнинг 80% ҳолатлари илгари ўрганилмаган иммунологик касалликлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Бундай ҳолатларда беморлар организмда кечадиган биокимёвий, физиологик ҳамда патофизиологик жараёнларда ҳосил бўладиган бирикмалар ҳомиладорлик асоратларининг ривожланиш хавфини ва кейинги прогнозини акс эттирувчи эрта белгилар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу бирикмаларни эрта ташхисланишининг ва баҳоланишнинг объектив мезонларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида эрта ташхис қўйиш сифатини ошириш ва турли касалликларнинг асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 йил 2022-апрелдаги ПҚ-216 - сон фармонида мувофиқ «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга

¹ <https://www.who.int/home/search?indexCatalogue=genericsearchindex1&searchQuery=miscarriage&wordsMode=AllWords>

ошириш...»² вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳомила сақлай олмаслик ҳолатларида қон томир эндотелийсининг шикастланишига олиб келувчи бирикмаларни эрта ташхислаш усуллари ёрдамида ҳомиладорлик асоратларининг ривожланиш хавфини камайтиришда ва ишончли ташхислашда замонавий тадқиқот усулларидадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110 сонли «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш», 2022-йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мулжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тшц” Фармонларида, ҳамда 2019-йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513 сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қамровини кенгайтириш тўғрисида» ва 2020-йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891 сонли «Тиббий профилактика самарадорлигини ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», шунингдек, ушбу фаолият соҳасига оид бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларда баён этилган вазифаларнинг бажарилишига маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар, ҳомиладорликни кўтара олмасликда антифосфолипид синдромининг ва гипергомоцистеинемиянинг ролини очиб берди. Ҳомилани сақлай олмасликнинг деярли ярим ҳолатларида сабаблар номаълум бўлса-да, даволаш жараёнида прогестерон, антикоагулянт ва/ёки иммуномодулятор препаратлари қўлланилади (Радзинский В.Е., Серов В.Н., Сухих Г.Т., 2018). Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, антифосфолипид антитаначалар (АФА) тўғридан тўғри синцитиотрофобласт ва цитотрофобластга таъсир қилади, трофобласт ҳужайраларининг ҳужайралараро синтезини ингибирлайди ва трофобласт инвазияси ёмонлашиб, йулдошнинг гормон ишлаб чиқараш фаолиятини бузилишига, бу эса имплантация жараёнини нуқсонли бўлишига олиб келиши исботланган (Кравченко Е.Н., Гончарова А.А., Кропмаер К.П., 2020; Servera R., 2019). Ҳомиладор аёл қонида антифосфолипид антитаначалар шу жумладан, кардиолипинга қарши антитаначаларнинг IgC ва IgM турлари, β2 –гликопротеин қарши антитаначалар ҳамда волчанка антикоагулянтининг

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.04.2022 йилдаги «2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» ПҚ-216-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5980203>

пайдо бўлиши ҳомиладорликни кўтара олмасликка олиб келиши аниқланди (Mormile I., 2021; Meroni P.L, Borghi M.O., 2020). Skeith L, Bates S.M., Rodger M.A., 2021).

Қон томир эндотелийсининг шикастланиши коагуляцион ва антикоагуляцион гемостаз тизимининг фаоллашиши, тромбоцитлар агрегациясининг кучайиши, тромбозга олиб келадиган фибринолизнинг ингибицияси билан бирга келади. Юқоридаги ўзгаришлар турли асоратлар, жумладан, гиперкоагуляцияга олиб келади бунга сабаб гомоцистеинни йулдош орқали эркин ўтиши ҳисобланади. Ушбу сабаблар презклампсия ривожланиши учун асос саналади (Perła-Kaján J., Twardowski T., Jakubowski H., 2007) ва онада ҳам, янги туғилган чақалоқда ҳам жиддий асоратлар, ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Россиялик олимлар Петриков А.С(2013) ҳаммуалифлар билан биргаликда беморларда гипергомоцистеинемия ривожланишининг молекуляр генетик асосларини ўрганиб чиққан. Илмий ва тиббиёт ҳамжамияти физиологик ҳомиладорлик ва соғлом бола туғилиши имкониятларини ошириш мақсадида ҳомилани сақлай олмаслик ҳолатларини даволашда янада самарали ҳамда индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқишга интиломда (Шабанов А.А., Шитова М.С., Оспанова А.А., 2018).

Мамлакатимиздаги тадқиқотлар натижасида, антифосфолипид синдроми аниқланган ҳомиладорларда ивиш тизими кўрсаткичлари, қондаги цитокинлар статуси ва она-йўлдош –ҳомила қон оқими кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигининг мавжудлиги аниқланди (Маниёзова Г.М., 2019.) Сўнгги йилларда бу жараёнда кардиолипид, $\beta 2$ -гликопротеин каби антителларнинг ўрни исботланган бўлиб, тромбоз ва акушерлик хавф омилларининг кўпайишига олиб келади (Негматуллаева М.Н., Султонова Н.А., 2018;), генлар полиморфизми, интерлейкинларнинг ҳомиладорликка таъсири, уларнинг акушерлик ва перинатал асоратлар, одатий ҳомила тушишларнинг келтириб чиқаришдаги роли ўрганилди (Аблакулова Ш.Д., 2021; Аюпова.Ф.М., 2021). Ҳомиладорлик даврида вужудга келган гипертензив ҳолатлар тромбофилиянинг белгиси бўлиши мумкинлиги ҳам ўрганилди (Бахрамова Ш.У., 2023).

АФС мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларда гомоцистеин даражасини ўрганиб, тромбоцитлар морфологиясининг ўзгариши билан таққослаш алоҳида қизиқиш уйғотади. Ўтказилган тадқиқотлар ва илмий нашрлардаги маълумотлар орқали юқори гомоцистеин даражаси ва турли патологиялар ўртасида боғлиқлик аниқланган, бу эса уларнинг пайдо бўлиш механизмларини яхшироқ тушуниш ҳамда тегишли даволаш ва профилактика стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бинобарин шундай экан, антифосфолипид антитаначаларга эга булган беморларда тромбоцитлар морфологияси ўзгариши ва гомоцистеин миқдори меъёр даражасида бўлган ҳолатларда эндотелиал дисфункция белгиларини кўрсатиб турувчи бирикмаларни аниқлаш турли ҳолатларда ҳар хил асоратларнинг хабарчисига айланиши мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «Соғлиқни сақлашни бошқаришнинг аҳоли ҳаёт сифатини яхшилаш ва касалликлар профилактикасига қаратилган замонавий усуллари» мавзуси доирасида бажарилган (2021-2023йй).

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорлик пайтида антифосфолипид антитаначалар аниқланган аёлларда гомоцистеин даражасини эндотелиал дисфункцияни акс эттирувчи гемостазиологик, гематологик, иммунологик кўрсаткичлар ҳамда тромбоцитлар фаоллиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

назорат ва асосий ҳомиладор гуруҳларда антифосфолипид антитаначалар ва гомоцистеин мавжуд бўлганларда тромбоцитларнинг морфологик тузилиши ва функционал фаоллиги хусусиятларини ўрганиш;

ҳомила тушиш ва ҳомила тушиш хавфи қўзатилган антифосфолипид антитаначалар аниқланган гуруҳларда, гомоцистеин меъёридан юқори беморларда эндотелиал дисфункция даражасини ўрганиш;

ҳомиладор беморларда гомоцистеин ва антифосфолипид антитаначалар даражасини ҳисобга олган ҳолда гемограмма, гемостазиограмма ҳамда ўзига хос биокимёвий кўрсаткичларнинг лаборатор натижаларини таҳлил қилиш;

антифосфолипид антитаначалар ва гипергомоцистеинемия мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимидаги бузилишларни ташхислаш ва олдини олишни мувофиқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида назорат ва физиологик ҳомиладорлик кечаётган 18 нафар аёллар, бола ташлаш хавфи мавжуд ҳамда анамнезида ҳомиладорликда такрорий йўқотишлари бўлган 24 нафар ва ҳомиласи нобуд бўлган 54 нафар беморлар асосий гуруҳ сифатида олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қони ва унинг зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда клиник-асбобий, иммуннофермент, биокимёвий, антропометрик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

антифосфолипид антитаначалар ва гомоцистеин меъёрида бўлган ҳомиладор аёлларда тромбоцитларнинг интраваскуляр фаоллашиши ва морфологик ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

гомоцистеин меъёрида бўлса ҳам антифосфолипид антитаначалар мавжуд бўлганда, эндотелиал дисфункция маркёрлари аннексин 5 ва PAI 1 даражаси ошиши аниқланган;

ҳомиладорларда гомоцистеин меъёрий кўрсаткичларда бўлса ҳам антифосфолипид антитаначалари мавжуд бўлган гуруҳларда фибринолизни ишончли пасайиши аниқланган;

антифосфолипид антитаначалар ва гипергомоцистеинемия мавжуд бўлганда ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимидаги бузилишларни ташхислаш ва олдини олиш мувофиқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган илмий тадқиқот натижалари амалда нисбатан арзон ташхисий усуллардан фойдаланган ҳолда тавсия этилган скрининг асосида ҳомиладорликнинг натижасини башорат қилиш ҳамда ҳомилани такрорий тушиш ҳолатларини олдини олиш имконини беради;

гомоцистеинни меъёрий даражасида антифосфолипид антитаначалар мавжуд бўлганда тромбоцитларнинг томир ичи фаоллашиши ва морфологик хусусиятларининг ўзгариши ҳомиладорликдаги турли хил асоратларни эрта ташхислаш учун муҳимлиги аниқланган;

гомоцистеин меъёрий даражасида, антифосфолипид антитаначалар мавжуд бўлганда, эндотелиал дисфункция мавжудлигини кўрсатиб берадиган аннексин 5 ва плазминогенни фаоллаштирувчисининг ингибитори PAI 1ни, ҳомиладорликда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларини олдини олиш учун, аниқлаш зарурлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот предметига мос бўлган усулларни қўлланилиши ва методологик ҳолатни аниқ белгиланганлиги, қиёсий гуруҳлар миқдори, параметрик тақсимот маълумотларига боғлиқ ҳолда ва мос бўлган тип бўйича статистик таҳлил мезонлари ҳамда усулларида фойдаланиш, танлаб олишнинг етарли ўлчами билан боғлиқ бўлган тадқиқотларнинг статистик кучи, олинган натижаларни баҳолаш ва хулосаларни бир бирини рад этмаслиги, маълумотларнинг репрезентативлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти скрининг ва алгоритм асосида тромбоцитларни томир ичи фаоллашиши ва морфологик ўзгаришини аниқлаш, ҳомиладорликнинг натижасини башорат қилиш ва унинг такрорий тушиш ҳолатларини олдини олиш имконини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ҳомиладорликда мумкин бўлган асоратларини олдини олиш учун гомоцистеинни меъёрий даражасида антифосфолипид антитаначалар мавжуд бўлганда эндотелий дисфункциясининг маркерлари аннексин 5 ва плазминогенни фаоллаштирувчисининг ингибитори PAI 1ни эрта аниқлаш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 27-феврал №7н-р/2 сонли хулосаси (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича) Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 30 ноябрдаги 10-сонли баённомаси юборилган;

Ҳомила сақлай олмайдиган антифосфолипид синдроми, гипергомоцистеинемия бор аёлларда таклиф этилган тромбоцитлар

агрегацияси интраваскуляр фаоллиги, морфологик тузилишнинг ўзгаришини аниқлаш ташхис усули тромбоз ҳолатини олдини олиш имконини берган;

гомоцистеин меъёр даражасида бўлган антифосфолипид антитаначалар мавжуд ҳомиладор аёлларда аннексин 5 ва плазминоген активатор ингибитори PAI-1 орқали эндотелиал дисфункциянинг маркёрларини аниқлаш ҳомиладорлик асоратларининг олдини олиш учун муҳим ташхисий аҳамиятга эга;

гомоцистеин даражаси меъёрда бўлган антифосфолипид антитаначалар циркуляцияси ва унга эга ҳомиладор аёлларда фибринолитик фаоллик вақтининг сезиларли даражада ошиши гиперкоагуляцияга ҳолатига олиб келади;

гомоцистеин даражаси меъёрда бўлган антифосфолипид антитаначалар мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларда тромбоз хавфини баҳолашни амалиётда қўллаш 1 нафар бемор ҳисобига 1 кунлик бюджет маблағларини ўртача 84 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни ўртача 828 500 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижалари асосида соғлиқни сақлаш амалиётида, жумладан Тошкент шаҳридаги 2 ва 8-сонли туғруқ комплекси фаолиятида жорий этилган. Тажриба натижасида ишлаб чиқилган усул койка кунларининг камайтиришга имкон берган. Тадқиқот ҳомиладор беморларга диагностик ёндашувининг самарадорлигини оширибгина қолмай, шунингдек, ҳомиладорлик асоратлари сонини камайтиришини ҳам кўрсатган. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 27-феврал №7н-р/2 сонли хулосаси (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича) Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 30 ноябрдаги 10-сонли баённомаси юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, кузатув кетма кетлиги ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети

тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **«Коагуляцион ва антикоагуляцион гемостаз тизими физиологияси ҳақида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида сўнги йиллардаги мавзуга бағишланган илмий адабиётлар таҳлили, ҳомиладор аёлларда коагуляцион ва антикоагуляцион тизим физиологияси, жумладан асоратланмаган ҳомиладорликдаги гемостаз тизими ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу бобда ҳомиладор аёлларда антифосфолипид синдромининг клиник кўриниши ва лаборатор ўзгаришлари, шу жумладан ҳомиладорлик жараёнига хавф солувчи омиллар батафсил тавсифланган. Бундан ташқари, асоратланган ҳомиладорлик даврида гипергомоцистеинемиянинг тромбофил асоратлар патогенезидаги роли алоҳида баён қилинган.

Диссертациясининг иккинчи **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган бобида клиник материаллар ва қўлланилган усулларнинг тавсифи берилган. Анамнезда фетопланцентар қон айланишининг бузилиши, муваффақиятсиз экстракорпорал уруғлантириш амалиёти, антенатал ҳомила ўлими ва преэклампсия кўринишидаги ҳомиладорлик асоратлари туфайли ҳомиласи тушган 96 та 18-26 ёшли аёллар текширилган.


Биринчи гуруҳ кўзатувдаги ҳомила тушиш хавфи мавжуд бўлган 24 та, иккинчи гуруҳни ҳомила тушиши бўлган 54 нафар аёллар ташкил этганлар. Уларнинг барчасини организмда антикардиолипин антитаначалар аниқланган. Назорат гуруҳи сифатида 18 нафар ҳомиладорлиги меъёрда бўлган ва антитаначалар топилмаган аёллардан иборат бўлган. Назорат ва биринчи ҳамда иккинчи гуруҳ аёлларнинг ҳомиладорлик муддати мос равишда $8,27 \pm 1,60$, $7,50 \pm 2,19$, $7,60 \pm 2,40$ ҳафтани ташкил қилди.

Плазмадаги гомоцистеин даражасини ўлчаш «ACL TOP 350 CTS» (АҚШ да ишлаб чиқарилган) серияли анализатори юқори самарали суюқлик хроматография усули ёрдамида амалга оширилди. Шунингдек ушбу қурилмада антитромбин III даражаси ва асосий коагулограмма кўрсаткичларини ўрганиш ўтказилди. Қайд этилганларни барчаси ҳақида зарур маълумотлар олиш имконини берди.

Антифосфолипид антитаначалар иммуноблот усули ёрдамида аниқланди. Биоматериал сифатида беморларнинг веноз қони синов пробиркаларга коагуляцион активатор орқали олинди. Қон плазмаси намуналарида кардиолипинга қарши антитаначалар миқдори аниқлаш учун унинг миқдорини кўрсатадиган ORGENTEC Anti-Cardiolipin IgG/IgM (Германия), антифосфолипид синдромини ташхислашга мўлжалланган ИФА текшируви ўтказилди.

Қонда PAI-1 даражасини аниқлаш учун TECHNOZYM PAI-1 Antigen ELISA (Австрия) тўплами ишлатилди, унинг учун иммунофермент тахлил ёрдамида плазма намуналарида (цитрат ёки EDTA) одам организмидаги биринчи тур (PAI-1) плазминогенни фаоллаштирувчининг ингибиторини миқдорий аниқлаш учун мўлжалланган усулдан фойдаланилди. Ўлчов диапазони 4-100 нг/мл, сезгирлиги эса 4 нг/мл. Antigen PAI-1 ELISA усули PAI-1 нинг эркин, боғланган ва фаол бўлмаган шаклини аниқлаш учун фойдаланилди, лекин у PAI-2 ва PAI-3 каби бошқа PAI турларига таъсир кўрсатмайди. Амалдаги тўпلام PAI-1 учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартига мувофиқ калибрланган. Статистик ишлов бериш вариацион статистика усуллари билан махсус дастурий таъминот 12.5 версиядаги STATISTICA 192.7, ишлаб чиқарувчи StatSoft Microsoft Windows 10 платформаси орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Антифосфолипид антитаначалар мавжуд ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимини ўрганиш натижалари**» деб номланган. Барча гуруҳларда гемостаз тизимининг қон томир-тромбоцитлар ҳолатини баҳолаш учун тромбоцитларнинг умумий сони, уларнинг агрегация фаоллиги ва қондаги гомоцистеин миқдори каби кўрсаткичлар ўрганилди. Гемостаз тизимининг қон томир-тромбоцитлар ҳолати ўрганилганда, назорат гуруҳи учун тромбоцитларнинг миқдорий таркиби $228.13 \cdot 10^9/\text{л}$ ни, I гуруҳ аёлларида $203,24 \cdot 10^9/\text{л}$ ни, II гуруҳ учун $197,56 \cdot 10^9/\text{л}$ ни ташкил қилган (1-расм).



1-расм. Гуруҳлардаги тромбоцитларнинг миқдорий кўрсаткичи

Антифосфолипид антитаначалар мавжуд одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда тромбоцитларнинг морфологик тузилишини ўрганилганда, I гуруҳ беморларда улар морфологиясининг барча ўрганилган кўрсаткичларида ишончли ўзгаришлар бўлганлиги аниқланди ($P \leq 0,05$). Бинобарин, шундай экан антифосфолипид антитаначалар мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларда тромбоцитларнинг юқори функционал фаоллиги кузатилиб, бу эндотелиоцитлар дисфункциясининг сабабларидан бири ҳисобланади

2-гурух беморларида тромбоцитлар морфологияси таҳлил қилинганда қон препаратида дискоцитлар $78,5 \pm 0,37\%$, дискоэхиноцитлар $12,40 \pm 0,58\%$, сфероцитлар $3,40 \pm 0,14\%$ ва сфероэхиноцитлар $4,50 \pm 0,11\%$ эканлиги қайд этилди. Шунингдек, тромбоцитларнинг фаол шакллари ва агрегатлардаги тромбоцитлар сонининг кўпайиши кузатилган. Шунини таъкидлаш керакки, ҳомиладорларнинг 2-гурухида тромбоцитларнинг фаол шакллари даражаси нисбатан барқарор, бу эса уларнинг мембранасида фибриноген рецепторлари экспрессиясининг доимий пасайиши билан боғлиқ.

Назорат гуруҳидагиларда тромбоцитлар морфологияси текширилганда асосий кўрсаткичлар физиологик меъёрда эканлиги аниқланди. Соғлом одамларнинг қонидаги дискоцитлар даражаси $85,1 \pm 0,10\%$ ни ташкил этди, бу эса тромбоцитлар учун физиологик конфигурация ҳисобланади Қон оқимида дискоэхиноцитлар даражаси $9,10 \pm 0,44\%$, сфероцитлар $2,90 \pm 0,15\%$, сфероэхиноцитлар $1,80 \pm 0,18\%$ ва биполяр шакллар $1,10 \pm 0,10\%$ бўлди. Шу билан бирга, текширилган беморларда тромбоцитлар фаол шаклларида ўртача йиғиндиси $14,9 \pm 0,15\%$ ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Антифосфолипид антитаначалар мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларда қон томир тромбоцитларни фаолияти.


Кўрсаткичлар %	1-гурух n=24	2-гурух n=54	Назорат гурухи n=18	R
Дискоцитлар	$65,4 \pm 0,54^*$	$78,5 \pm 0,37^*$	$85,1 \pm 0,10^*$	0,9
Диско-эхиноцитлар	$21,3 \pm 0,37^*$	$12,4 \pm 0,58^*$	$9,10 \pm 0,44^*$	1,0
Сфероцитлар	$4,9 \pm 0,12^*$	$3,4 \pm 0,14^*$	$2,90 \pm 0,15^*$	1,0
Сферо-эхиноцитлар	$6,1 \pm 0,11^*$	$4,5 \pm 0,11^*$	$1,80 \pm 0,18^*$	1,0
Биполяр шакллар	$2,3 \pm 0,19^*$	$1,2 \pm 0,09^*$	$1,10 \pm 0,10^*$	1,0
Фаол шакллар миқдори	$36,7 \pm 3,05^*$	$15,9 \pm 1,14^*$	$14,9 \pm 0,15^*$	1,0
Агрегатлардаги тромбоцитлар сони	$14,8 \pm 1,23^*$	$6,7 \pm 0,54^*$	$5,8 \pm 0,42^*$	1,0
100 та эркин тромбоцитларга кичик агрегатлардаги 2-3 тромбоцитлар нисбати	$6,3 \pm 0,51^*$	$3,3 \pm 0,22^*$	$2,8 \pm 0,14^*$	1,0
100 та эркин тромбоцитларга ўрта ва катта хажмли агрегатлардаги 4 ва ундан ортиқ тромбоцитларнинг нисбати	$0,32 \pm 0,02^*$	$0,11 \pm 0,01^*$	$0,06 \pm 0,01^*$	1,0

Эслатма: * - соғлом шахсларга нисбатан қийматларининг ишончлилиги $p < 0,05$

Қонида антифосфолипид антитаначалар мавжуд ҳомиласи тушган аёлларда тромбоцитларнинг функционал фаоллигини ўрганиш ҳомиладорлик жараёнининг бузилишини башорат қилиш ва ўз-ўзидан ҳомила тушиш

хавфининг дастлабки белгиларини аниқлаш имконини беради. Бу, айниқса антифосфолипид антитаначалар бўлган аёлларда ҳомиладорликни узайтиришга қаратилган профилактика чораларини олиб бориш имконини яратади.

Бундан ташқари, тадқиқот давомида беморлар организмида кардиолипинга қарши антитаначалар мавжудлигига қараб гуруҳларга ажратилди. (2-расм).



2-расм. Кардиолипинга қарши антитаначаларга нисбатан беморлар гуруҳлари

2-расмда келтирилганидек иккинчи гуруҳ беморларида кардиолипинга қарши антитаначалар кўрсаткичи энг юқори бўлиб, 18,7 MPL E/мл ни ташкил этди. Биринчи гуруҳ беморларида бу кўрсаткич 13,7 MPL E/мл, назорат гуруҳида эса бу қиймат 7,3 MPL E/мл ни ташкил этди.

Ушбу тадқиқот натижасида антифосфолипид антитаначалар бўлган ҳомиладор аёллар плазмасида қон томир тромбоцитлар гемостаз тизимининг кўрсаткичларида ўзгаришлар аниқланди. Ушбу аёлларнинг гемостатик ҳолатининг ўзига хос хусусияти бу тизимнинг фибринолитик боғланишининг бузилиши ҳисобланади. Бундан ташқари, АФС билан касалланган ҳомиладор аёлларда қоннинг фибринолитик фаоллиги сезиларли даражада ошиши кўзатилди. Бу қон ивиш вақтининг соғлом аёллар кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ошишида кузатилди. Ҳомиладорлиги тўхтатилган аёлларда протромбин индексининг сезиларли ўсиши (109.36 ± 7.04) ва қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақти кўрсаткичининг (26.19 ± 2.04) қисқариши ҳам аниқланди, бу гемостаз тизимининг прокоагулянт алоқа фаоллигининг ошганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари эндотелиал дисфункция ва антифосфолипид антитаначалар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш,

ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимидаги асоратлар хавфини баҳолашда муҳим ташхисий аҳамиятга эга эканлигини истиқболларини тасдиқлайди. Бу эса асоратларни олдини олиш ва башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш учун фойдали ҳисобланади. Улар орасидаги боғлиқликни тушуниш тромбофилик асоратларни ривожланиш хавфини аниқлашга ёрдам беради ва индивидуал профилактика тадбирларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Бундан ташқари, гомоцистеин даражаси меъёрида бўлган антифосфолипид антитаначаларга эга беморларда аннексин 5 ва плазминоген активатор ингибитори эндотелиал дисфункциясининг белгиларини аниқлаш ҳомиладорлик асоратларининг олдини олишда муҳим ташхисий аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Гипергомоцистеинемия мавжуд ҳомила сақлай олмайдиган аёлларда гемостаз тизимининг ҳолатини баҳолаш**», деб номланган тўртинчи бобида гипергомоцистеинемия ёки унга боғлиқ бўлмаган абортда тромбоцитлар фаоллигини баҳолаш тўғрисида олган маълумотларимиз келтирилган ва ушбу гуруҳ беморларда эндотелиал дисфункцияни баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Назорат гуруҳидаги аёлларда гомоцистеиннинг ўртача концентрацияси $7,29 \pm 0,54$ ммол/л ни ташкил этган, аммо қон зардобидаги гомоцистеин таркиби билан семириш ва жисмоний фаоллик даражаси каби омиллар ўртасида сезиларли боғлиқлик топилмаган.

Ҳомила тушиш хавфи бор аммо ҳомилани сақлаб қолган 1 гуруҳ беморларда қон плазмасидаги гомоцистеин даражаси ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилганда, унинг концентрацияси $9,64 \pm 0,82$ ммол/л бўлгани аниқланган, бу эса нормал қийматдан 1,2 баравар кўп ҳисобланади. Ҳомила тушиш хавфи бор аммо ҳомилани сақлаб қолмаган 2 гуруҳ беморларда қон плазмасидаги гомоцистеин даражаси ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилганда, унинг концентрацияси $12,46 \pm 1,23$ ммол/л бўлгани аниқланган, бу эса меъёр қийматдан 1,8 баравар кўп ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотда гомоцистеиннинг 11,1-15,0 ммол/л оралиғидаги концентрацияси гипергомоцистеинемия сифатида қабул қилинган. Айниқса кўшимча хавф омиллари мавжуд бўлганда гомоцистеиннинг ортиб бораётган қиймати қон ҳужайралари ва қон томир девори билан ўзаро таъсир қилиш хусусиятига эга эканлиги сабабли хавфлидир.

Қон зардобидаги гомоцистеин даражасига қараб кўзатувимиздаги ҳомиладор аёллар уч гуруҳга бўлинди: назорат гуруҳидагиларда гомоцистеин меъёр даражасига эга, биринчи асосий гуруҳ ўртача гипергомоцистеинемия ва иккинчи асосий гуруҳдагиларда юқори гомоцистеин даражаси аниқланган. Улар тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидаги гомоцистеин даражаси бўйича гуруҳларга бўлиниши

Гуруҳлар	Гомоцистеин миқдори мкмоль/л		
	8,0 гача	8,1- 11,0	11,0 дан кўп
Соғломлар (n=18)	7,29±0,54		
I - гуруҳ (n=24)		9,64±0,82	
II -гуруҳ (n=54)			12,46±1,23

3-жадвалда келтирилганидек, ҳомиладорларда тромбоцитлар агрегацияси фаоллигини таҳлил қилиш I ва II гуруҳ беморларда унинг тезлигини статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши АДФ жараёнини рағбатлантириши кўрсатилган.

3-жадвал

Таdqикот гуруҳларида гомоцистеин таркиби ва тромбоцитлар агрегацияси фаоллигининг кўрсаткичлари (5-15 ммоль/л)

Гуруҳлар	Гомоцистеин миқдори мкмоль/л	Тромбоцитлар агрегацияси даражаси (АДФ),%	R
Соғломлар (n=18)	7,29±0,54	26,34±2,23*	0,9
I - гуруҳ (n=24)	9,64±0,82	47,98±3,15*	0,9
II -гуруҳ (n=54)	12,46±1,23	59,67±4,63*	1

Эслатма: * - соғлом шахслар гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги $p < 0.05$

3-жадвалдан келтирилганидек I гуруҳ аёлларида ўртача гомоцистеин миқдори 9,64±0,82 ммоль/л ни , II гуруҳ аёллар учун бу қиймат 12,46±1,23 ммоль/л ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳидагилар учун бу кўрсаткич нормал физиологик қиймат чегарасида бўлиб, 7,29±0,54 ммоль/л га тенг бўлди.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳомиладор аёллар метаболизмидаги ўзгаришлар ва тромбоцитларнинг агрегация фаоллиги ошиши уларнинг ўртасида алоқадорлик мавжуд деган хулосага келишга асос бўлади. Шунинг учун гипергомоцистеинемияни дастлабки босқичларда аниқлаш ва унинг даражасини пасайтириш учун зарур муолажалар ўтказиш, шунингдек, қўшимча антиромботик чораларни қўллаш муҳим ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ҳомила тушишининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди.

- I гуруҳдаги аёлларда табиий абортнинг негизида эндотелиал дисфункцияни ўрганиш жараёнида уларда соғлом аёлларга нисбатан қондаги аннексин 5 даражаси сезиларли ошгани аниқланди. Ушбу фарқ назоратдаги

умумий аёлларга нисбатан 2,7 баравар ва II-гуруҳдаги аёлларга нисбатан 6 баравар кўп бўлди. Аннексин 5 эндотелин шаклида ҳосил бўлишини ҳисобга олсак, эндотелиоцитларнинг шикастланиши ва апоптози нафақат қондаги унинг даражасининг ошишига, балки десквामीланган эндотелиоцитлар миқдорининг ортишига ҳам олиб келади деб тахмин қилиш мумкин. Десквामीланган эндотелиоцитлар даражаси дастлабки қийматлардан 3,4 баравар кўпайиб, $6,98 \pm 0,711 \times 10^4 / \text{л}$ ни ташкил этди. Улар тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Ҳомила сақлай олмайдиган аёлларда қон томирдаги тромбоцитлар фаоллиги

Кўрсаткичлар	Ҳомила тушиш хавфи бўлган беморлар	Ҳомиласи тушган беморлар	Назорат	R
Фаол шакллар миқдори, %	22,31±1,57*	34,32±2,13*	12,92± 0,85	0,991
Агрегатдаги тромбоцитлар сони, %	8,91±0,67*	18,34±1,12*	5,82± 0,42	0,992
Фибронектин (мкг/мл)	336,41±9,44	519,08±86,02*	214,23±7,14	0,992
Десквामीланган эндотелиоцитлар миқдори $1 \times 10^4 / \text{л}$	3,34±0,24*	6,98±0,71*	2,01±0,17	0,992
Тўқима плазминоген активаторининг ингибитори PAI-1 (ЕД/мл)	6,25±0,54*	12,94±1,73*	4,41±0,33	0,992
Антитромбин III фаоллиги (%)	80,67±5,88	60,84±5,44*	94,26±6,72	0,991
Аннексин А-5 (нг/мл)	2,34±0,17*	5,41±0,98*	0,87±0,09	1.0

Эслатма: * - асл қийматлар билан солиштирганда кўрсаткичларнинг ишончилиги $p < 0,05$

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари ҳомиладорларда ҳомила тушишини олдини олиш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш учун эндотелиал дисфункция ва эндотелийга таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш истиқболларини тасдиқлади. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар ҳомила тушишини олдини олиш ва даволашда самарали усуллари яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «Ҳомила сақлай олмайдиган аёлларда антифосфолипид антитаначалар ва гипергомоцистеинемия мавжуд бўлганда гемостаз тизимидаги бузилишларнинг гемостазиологик

хусусиятлари» деб номланган бешинчи бобда қон зардобадаги гемостаз тизимининг коагуляцион боғланишини ва гемостаз тизимининг фибринолитик фаоллигини ўрганиш каби гемостаз кўрсаткичларини баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган. Қон, хусусан, веноз қондаги тромбоцитлар сони, қон ивиш вақти даврини ўрганиш, протромбин индекси, қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақти, фибриноген таркиби, қоннинг фибринолитик фаоллигини текшириш орқали аниқланган (5-жадвал).

5-жадвал

Антифосфолипид антитаначалармавжуд ҳомиладор аёллардаги гемостаз тизимининг баъзи кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат	Ҳомила тушиш хавфи бўлган беморлар	Ҳомиласи тушган беморлар	R
Веноз қондаги тромбоцитлар , 10 ⁹ /л	228,13±12,62*	203,24±11,16*	197,56±11,94*	0,91872
Қон ивиш вақти,(дақиқа)	7,4±0,4*	7,0±0,12*	6,97±0,5*	0,98474
Протромбин индекси, (70-120%)	96,52±4,68*	109,36±7,04*	102,34±5,36*	0,91872
Қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақти, (27-36 сония)	32,71 ± 2,16*	26,19 ± 2,04*	34,19 ± 2,67*	
Фибриноген, мг/дл I-II триместр (2,4-5,00мг/дл) III триместр (3,7-6,00мг/дл)	2,43±0,24*	3,92±0,294*	4,38±0,36*	0,91872
Фибринолитикфаоллик, (140-240 дақиқа)	175±2мин*	285±3мин*	297±4мин*	-

Эслатма: * - гуруҳ кўрсаткичларинингсоғлом ҳомиладор аёлларганисбатан сезиларли фарқлариP< 0.05

5-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, анамнезида ҳомила тушиш ҳолати учрашидан қатъи назар антифосфолипид антитаначалар бўлган аёллар плазмасида коагуляцион гемостазда сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. Истисно ҳолатда антифосфолипид синдроми билан касалланган аёллар гуруҳидаги фибриноген даражаси 4,38±0,36 мг/дл меъёр кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ошган. Уларда соғлом аёллар кўрсаткичларга нисбатан қон ивиш вақтининг сезиларли даражада ошиши кузатилди. Антифосфолипид синдроми билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг II гуруҳида протромбин индексининг (ПТИ) ўсиши ҳам кузатилди, унинг

миқдори 102.34 ± 5.36 ни ташкил этган. Бу қон ивиш жараёнининг ташқи бузилишини кўрсатади.

Беморларнинг биринчи гуруҳида антитромбин III фаоллигини текшириш давомида унинг кўрсаткичларида ишончли $62,67 \pm 5,88\%$ га пасайиш кузатилди, ушбу қиймат иккинчи гуруҳ беморларда $60,84 \pm 5,44\%$ га тенг бўлиб, бу ҳам унинг пасайганини кўрсатади. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич $94,26 \pm 6,72\%$ ни ташкил этди ва бу - физиологик меъёр ҳисобланади. Фибринолитик фаолликни ўрганиш антифосфолипид антитаначалар бўлган барча ҳомиладор аёлларда фибринолизнинг сезиларли даражада пасайишини кўрсатди.

Бу гуруҳ аёлларнинг ҳомиладорлик даврида ва фетоплацентар комплекснинг шаклланишида томирлар ичида таркалган қон ивиш синдромининг сурункали шаклини келтириб чиқарганлигини кўрсатади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, антифосфолипид антитаначалар мавжуд ҳомиладор аёлларда веноз қонда тромбоцитлар сони камайган Ушбу пасайиш қонда антифосфолипид антитаначалар мавжудлигида юзага келадиган микротромбоз жараёнидаги тромбоцитлар фаолияти билан боғлиқ.

ХУЛОСАЛАР

1. Гомоцистеин даражаси меъёрида бўлган, лекин антифосфолипид антитаначалар мавжуд ҳомиладор аёлларда, тромбоцитлар агрегацияси фаоллиги унинг морфологик тузилишининг ўзгариши билан ортади, бу уларнинг тромбоз ривожланишида роли мавжудлигини кўрсатади.

2. Гомоцистеин меъёри даражасида бўлган антифосфолипид антитаначалар мавжуд ҳомиладор аёлларда аннексин 5 ва плазминоген активатор ингибитори орқали эндотелиал дисфункциянинг маркёрларини аниқлаш ҳомиладорлик асоратларининг олдини олиш учун муҳим ташхисий аҳамиятга эга.

3. Гомоцистеин даражаси меъёрда бўлган антифосфолипид антитаначалар циркуляцияси ва унга эга ҳомиладор аёлларда фибринолитик фаоллик вақтининг сезиларли даражада ошиши гиперкоагуляцияга ҳолатига олиб келади.

4. Ишлаб чиқилган алгоритм тромботик асоратлар ташҳисини меъёрлашга ёрдам беради, бу еса ҳомила тузилишининг олдини олишга дифференциал ёндашиш имконини беради.

Ҳомила саклай олмайдиган айёлларни кузатиш алгоритми



**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

КОДИРОВА ДИЛДОРА АЛЛАЁРОВНА

**СОСТОЯНИЕ СИСТЕМЫ ГЕМОСТАЗА У ЖЕНЩИН С
АНТИФОСФОЛИПИДНЫМ СИНДРОМОМ И ГИПЕРГОМОЦИСТЕИНЕМИЕЙ
ПРИ НЕВЫНАШИВАНИИ БЕРЕМЕННОСТИ**

14.00.29 – Гематология и трансфузиология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве инновационного развития Республики Узбекистан В2022.1. PhD/Tib2557.

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Бабаджанова Шоира Агзамовна.
доктор медицинских наук, профессор

Дудина Галина Анатольевна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский Государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2024 года в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 2100147, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Тел/факс: 998-78 150-7825, Веб-страница: (www.tma.uz); E-mail: (info@tma.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 2100147, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Тел/факс: 998-78 150-7825, Веб-страница: (www.tma.uz); E-mail: (info@tma.uz)).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2024 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2024 года).

А.Г. Гадаев

Председатель разового научного совета при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор.

Д.А. Набиева

Ученый секретарь разового научного совета при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Д. Махмудова

Председатель разового научного совета при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Привычное невынашивание беременности является важной проблемой репродуктивного здоровья, затрагивающей 2–5% пар и изучается не только в области гинекологии, репродуктологии, иммунологии, эндокринологии, но также и в гематологической практике. Согласно определению Всемирной организации здравоохранения, привычным выкидышем считается наличие у женщины в анамнезе трех или более самопроизвольных прерываний беременности до 22 недели беременности¹. Пристальное внимание уделяется изучению факторов, которые способны вызвать повреждение эндотелия продуцирующий биологически активные соединения участвующие во многих механизмах гемостаза и регуляции местного кровотока. Нарушение функции эндотелия запускает процессы, приводящие к дисбалансу между свёртывающей и противосвёртывающей системой крови с последующим развитием гиперкоагуляционного синдрома патологического характера. Ранние потери беременности связаны с генетическими факторами встречающиеся в 3-6% случаев, с аномалиями кариотипа родителей, встречающиеся в 8,8% случаев, по данным исследований множества авторов. Если у одного из родителей обнаружены сбалансированные хромосомные перестройки, то вероятность рождения ребенка с несбалансированными хромосомными аномалиями составляет 1-15%.

В мире проводится ряд научных исследований по разработке и совершенствованию новых эффективных методов ранней диагностики невынашивания беременности. Современная медицина показывает, что 80% случаев ранней потери плода связаны с ранее неизученными иммунологическими заболеваниями. При таких состояниях соединения, образующиеся в ходе биохимических, физиологических и патофизиологических процессов в организме пациенток, указывают на то, что они могут быть ранними маркерами, отражающими риск развития осложнений беременности и последующий прогноз. Особое внимание уделяется совершенствованию объективных критериев ранней диагностики и оценки данных соединений.

В нашей стране особое место уделяется совершенствованию системы здравоохранения, в том числе повышению качества ранней диагностики и снижения осложнений различных заболеваний среди женщин репродуктивного возраста, намечены задачи согласно постановлению Президента Республики Узбекистан от 25 апреля 2022 года ПП-216 направленные на «...укрепление здоровья семьи, охрана материнства и детства, расширение доступа к качественной медицинской помощи матерям и детям, обеспечение их специализированной и высокотехнологической медицинской помощью, проведение комплексных мероприятий по снижению детской смертности...»². Исходя из этого, важное значение имеет повышение

¹ <https://www.who.int/home/search?indexCatalogue=genericsearchindex1&searchQuery=miscarriage&wordsMode=AllWords>

² Постановление Президента Республики Узбекистан, от 25.04.2022 г. № ПП-216 «Об усилении охраны материнства и детства в 2022 — 2026 годах» // <https://lex.uz/en/docs/5980206>

